



ПАХТАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ: КОРХОНАЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ
ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК

Давлятов Бекзоджон Асланхожаевич¹

Акбархўжаева Нилуфар Азимджановна²

¹⁻²Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7163115>

Аннотация: Ушбу мақолада пахта-тўқимачилик тармоғини ривожлантиришнинг янги шакли – кластер ёндашувининг корхоналар интеграцияси ва иқтисодий самарадорликка эришишдаги ўрни таҳлил қилинган

Калит сўзлар: пахта-тўқимачилик кластерлари, интеграция, самарадорлик, экспорт

Аннотация: В данной статье анализируется роль новой формы развития хлопково-текстильной отрасли – кластерного подхода в достижении экономической эффективности и интеграции предприятий

Ключевые слова: хлопково-текстильные кластеры, интеграция, эффективность, экспорт

Annotation: This article analyzes the role of a new form of development of the cotton-textile network – the cluster approach in achieving economic efficiency and integration of enterprises

Key words: cotton-textile clusters, integration, efficiency, export

Бугунги пахта саноатининг трансформация жараёнларида бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган ички ва ташқи тенденциялар – дунёда ва алоҳида мамлакатларда пахта саноати маҳсулотларига бўлган рақобатнинг кескинлашуви шароитида пахта саноати ривожланишининг стратегик аҳамиятини ортиши, Ўзбекистонда ушбу тармоқда ривожланган ижобий тажрибаларни жаҳон хўжалигида эришилган сўнгги илмий-техник тараққиёт ютуқларидан фойдаланган ҳолда ривожлантиришни талаб этади.

Кучли рақобат шароитида пахтачиликни барқарор ривожлантиришнинг асосий омили сифатида соҳадаги субъектлар фаолиятини нафақат технологик жиҳатдан, балки ташкилий ва бошқарув соҳасини ҳам модернизациялашни кўришимиз мумкин. Модернизациялаш, ўз навбатида, пахта саноатининг истиқболли рақобатбардош моделини яратишни, унинг мақбул ижтимоий таркиби ва пахтачилик субъектларини бозор тамойилларига мос ташкилий турларини шакллантиришни тақозо этади.





Ушбу йўналишда давлатнинг пахта саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларида фаолият юритаётган турли хўжалик юритиш субъектлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ролини оширишнинг янги институционал яратишда агрокластерларни ташкил этиш муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ҳудудий агросаноат комплекслари (АСК) иқтисодий самарадорлигини ошириш зарурияти унинг мавжуд салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиш имкониятини берадиган бошқарув моделларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Кластерлар маҳсулотни ишлаб чиқишдан бошлаб, бирламчи тайёрлаш ва сотишгача бўлган жараёнларни ягона занжирга бирлаштириш имкониятини яратади. Кластер ёндашуви юқори рентабелли АСК яратиш учун инвестициялар оқимини режалаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон пахта етиштирувчи дунёнинг энг йирик мамлакатларидан бири ҳисобланади. Пахта толаси экспорти валюта тушумлари таркибида кўп йиллар мобайнида салмоқли улушга эга бўлиб келди. Хусусан, мамлакат томонидан 2000 йилда 897,1 млн. АҚШ долларига тенг миқдордаги пахта толаси экспорт қилинган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 1033,3 млн., 2010 йилда 1572,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.[4]

Аммо, охириги йилларда толани қайта ишлаш, тўқимачилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бир сўз билан айтганда, ишлаб чиқаришни тайёр маҳсулот циклигача олиб келиш учун кўп ишлар қилинмоқда. Буни охириги йилларда эришилган иқтисодий кўрсаткичларда кўриш мумкин.

1-жадвал

**Пахта толаси ва тўқимачилик маҳсулотлари экспорти,
млн.АҚШ долларларида [4]**

Маҳсулот номи	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
Пахта толаси	736,1	637,2	477,1	222,1
Тўқимачилик маҳсулотлари	875,4	1100,2	1133,9	1603,1

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон пахта толаси экспортини йилдан йилга камайтириб бормоқда. 2015 йилда тола





экспорти 736,1 млн.АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич, 2016 йилда 637,2 млн., 2017 йилда 477,1 млн. ва 2018 йилда 222,1 млн.АҚШ долларини ташкил этди.

Эътиборли томони шундаки, таҳлил этилаётган даврда тўқимачилик саноати экспорти мос равишда 875,4 млн., 1100,2 млн., 1133,9 млн. ва 1603,1 млн.АҚШ долларидан иборат бўлди. 2018 йилда пахта толаси экспорти 2017 йилга нисбатан 53,4 фоизга тушгани ҳолда, тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 41,4 фоизга ошди. Буни мамлакатда пахта толасини қайта ишлаш, уни хомашё кўринишида эмас, тайёр маҳсулот қилиб сотиш ишлари жадаллик билан амалга оширилаётганидан далолат беради.

2-жадвал

**Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти таркиби,
млн. АҚШ долларидан**

Маҳсулот турлари	2015 йил	2018 йил
Пахтадан йигирилган ип	545,9	726,7
Тайёр кийим маҳсулотлари	184,0	585,7
Нақшли матолар	46,1	65,5
Пахтадан газламалар	33,8	65,6
Ипак ва ипак маҳсулотлари	20,2	49,9
Бошқа тўқимачилик маҳсулотлари	15,4	42,9
Гидамлар	13,6	31,0
Пахта маҳсулотлари	16,4	26,8

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2018 йил якунлари бўйича пахтадан йигирилган ипнинг экспорти 726,7 млн. АҚШ долларидан иборат бўлди, жаъми тўқимачилик маҳсулотлари экспортидаги улуши 45,3 фоизни ташкил қилмоқда. Бу ҳолатни ижобий баҳолаб бўлмайди. Чунки тўқимачилик саноатида асосий қўшимча қиймат йигириш босқичида эмас, балки ундан кейинги босқичларда яратилади. Шундай экан, пахтани чуқур қайта ишлаш натижасида тайёр кийимлар ва бошқа тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, яъни пахтани ерга қадашдан





бошлаб, уни тайёр маҳсулот кўринишига олиб келадиган пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Агросаноат комплексларида кластер тузилмаларини ташкил этишга ва фаолият олиб бориш самарадорлигини кўрсатиб беришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаш жоиз. Кластерлар кўринишида етиштирувчи ва ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг интеграцияси нафақат янги техника ва технологияни, электр энергияси манбаларини янада самарали қўллаш мақсадида ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурати сифатида, балки рақобатнинг кескинлашуви ҳамда бўш турган капитални киритиш соҳаларининг торайиб бориши билан тавсифланади.

Кластерлар шаклида ташкил этилган ишлаб чиқариш мажмуаларида хўжалик юритувчиларнинг иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари, самарадорлиги юқори бўлади. Кластерларда манфаатлар бирлашади.[1]

Кластерлашган минтақалар корхоналарида меҳнат унумдорлиги 1,5 баробар, иш ҳақи эса 30 фоизга кўплиги ўз тасдиғини топган.[2] Шунингдек, интеграциялашган пахта-тўқимачилик корхоналарининг қуйидаги афзалликларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- “масштаб эффектидан” фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш харажатлари камаяди;[3]

- иштирокчилар ўртасида масофа яқинлиги ва уларнинг ягона бошқарувга бирлаштирилганлиги улар ўртасида маҳсулот ва маълумот алмашиш тезкорлиги ошади;

- инновациялар тез ўзлаштирилади;

- янги қувватларни ишга тушириш, шунингдек, самарасиз бўғинлардан халос бўлиш имкони ошади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, пахтачилик кластерлари анъанавий шакллардан самарали. Уларнинг шаклланишида эса қуйидагилар тавсия этилади:

1. фаолиятни секинлаштираётган (тормозлаётган) ёки тезкорлигига халал бераётган сабабларни аниқлаш мақсадида доимий чуқур таҳлил ўтказиб бориш;

2. кластерларни ташкил қилиш ва улар умумий фаолияти билан боғлиқ маълумотлар берувчи очиқ ахборот базасини яратиш;

3. кластерларнинг ҳаддан зиёд йириклашишини олдини олиш мақсадида улар фаолияти билан боғлиқ техник-иқтисодий меъёрларни ўрнатиш





Кластерлар асосидаги худудий ишлаб чиқариш интеграцияси яқин вақт ичида минтақаларга ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолади.

Фойдаланилган манбалар рўйхати:

1. М.А., Зарипов Б.З. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Рисола. “Zamin nashr” 2018 йил, 4-10 ва 20-27-бетлар.
2. Усмонов Б.Ш, Рахимов Ф.Х, Дўсмухамедова. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ва инновацион ҳамкорлик. Илмий-услубий қўлланма. – Тошкент, “Adabiyot uchqunlari” нашриёти, 2017 й, 6-11-бетлар.
3. Третьяк В.П. Кластеры предприятий. М: Август Борг, 2006, стр. 132.
4. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси расмий сайти: <https://www.stat.uz> [кирилган сана 07.03.2019 й]

